



## ГУРУХ ТАРКИБИДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН БЕЗОРИЛИК ЖИНОЯТИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ФАОЛИЯТИНИ БУГУНГИ ҲОЛАТИ

**Алтмишев Темурабек Хамзаевич**

ИИБ Жамоат хавфсизлиги департаменти Ташкилий-таҳлил  
бошқармаси бошлиғи, юридик фанлари бўйича  
фалсафа доктори

**Маматханов Элшод Шухратович**

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси магистратура “Ташкилий-  
тактик бошқарув” мутахассислиги тингловчиси


<https://doi.org/10.5281/zenodo.8129062>

Мамлакатимизда жиноятларни олдини олиш ва уларни иссиқ изида  
фош этиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан,  
жиноятларни келиб чиқиш шарт-шароитларини аниқлаш, уларни олдини  
олишда ҳудуд методикаларни яратиш, жиноятларни ҳудуд миқёсида  
таҳлил қилиш ва жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги ва унинг ўзига  
хос жиҳатларига ва ушбу жиноятларни содир этилишига таъсир этувчи  
ижтимоий, инфратузилма ва бошқа муаммоларни ўрганиш ҳамда  
бартараф этиш бўйича “Хавфсиз хонадон” ва “Хавфсиз ҳовли” тизимини  
йўлга қўйилди.

Ушбу қилинган ишлар бугунги кунда жиноятларни олдини олишга  
хизмат қилмоқда. Ички ишлар органлари томонидан безорилик  
жиноятини олдини олиш борасида ишларни амалга оширишда аввало  
“безори”, “безорилик” тушунчаларининг яхлит тарифини ўрганиш зарур.  
Ушбу тадқиқот ишида ушбу тушунчалар атрофлича ўрганилиб, муаллиф  
томонидан тадқиқот мавзуси бўлган гуруҳ таркибида безорилик жинояти  
тарифи ишлаб чиқилган.

Гуруҳ таркибида содир этиладиган безорилик жиноятини олдини  
олишга қаратилган саъй-ҳаракатларга қарамасдан мазкур жиноят  
статистикаси ўсиши кузатилмоқда. Жумладан, безорилик жинояти 2019  
йил ҳисобида 953 та 2020 йил 1448 та, 2021 йил 2717 та, 2022 йил 3129 та,  
2023 йилнинг 3 ойи мобайнида 916 та содир этилган. Кўриниб турибдики,  
мазкур кўрсаткичлар ушбу жиноятни ошишига ва ушбу жиноятни олдини  
олиш зарурлигига ишора қилиб тадқиқот иши долзарблигини англатади.

Ушбу жиноятни гуруҳ таркибида содир этиган шахслар жамиятдаги  
ахлоқ қоидаларини менсимаган ҳолда жамоат тартибини ташкил этувчи  
ва қонун билан ҳимоя қилинувчи ижтимоий муносабатларга зарар  
етказадиган ёки зарар етказишнинг реал хавфини вужудга келтирадиган  
муайян ҳаракатлар қилади.





Одатда жамиятдаги ахлоқ қоидаларини менсимаслик ошкора, яъни кўпчилик одамлар олдида юз беради. Бироқ безорилик маҳфий бекитинча амалга ошириладиган ва бир қанча вақтдан сўнг очиладиган, маълум бўладиган ҳолларни инкор этмайди. Масалан, тунда амалга оширилган ва эрта билан оммага ошкор бўлган едгорликлар ва кўргазмали ташвиқот воситаларини таҳқирлаш, куча ва боғлардаги манзарали усимликлар ва бошқа нарсаларни йуқ қилиш ёки уларга зарар етказиш жамиятга ҳурматсизликнинг намоён булишидан гувоҳлик берганлиги сабабли одамларда адолатли норозиликка сабаб булганлиги учун безорилик ҳаракатлари деб баҳоланиши керак. Шу боисдан одамлар олдида содир этиш белгиси шарҳланаётган жиноят таркиби учун зарурий аҳамият касб этмайди.

Безорилик жиноятни гуруҳ таркибида содир этиган шахслар ҳаракатлари жамоат жойларида ҳам (театрда, паркда, стадионда, кучада, ресторанда, кафедра ва ҳ.к.) одамлар ишлайдиган, бирбири билан муомала қиладиган, дам оладиган, хурсандчилик қиладиган жойларда ҳам содир этилиши мумкин. Жамоат жойларидаги безорилик энг куп учрайди.

Лекин гуруҳ таркибида содир этиган шахслар томонидан содир этиладиган безориликка хос туполон ва уруш-жанжаллар ножамоат жойларида ҳам тез-тез содир этилади. Бундай ҳодисаларни безорилик деб билиш керакми ёки йуқми, деган масалани ҳал этишда, айниқса агар бундай ҳодиса алоҳида квартира, хусусан уйлар, котежлар, дала ҳовли ва бошқа шу каби жойларда юз берса, жиноят таркибининг зарурий белгилари билан бирга жамоат тинчлигига ва нафақат оила аъзоларининг, балки бошқа фуқароларнинг ҳам осойишталигига риоя этиш қоидаларини очиқ менсимаслик белгиларининг мавжудлигини ҳам аниқлаш зарур.

Шу билан бирга, турмуш (қариндош-уруғлар, қудалар ва ака-укалар) муносабатларида юз берадиган ва жамоат тартибини бузиш мақсадида содир этилмаган алоҳида оилавий келишмовчиликлар, жанжал ва туқнашувларгуруҳ бўлиб содир этиладиган безорилик деб баҳоланмаслиги керак.

Безорилик маъмурий ҳуқуқбузарлик шаклида ҳам, жиноий шаклда ҳам доимо жамиятдаги ахлоқ қоидаларини била туриб менсимасликдир. Улар уртасидаги фарқни қонун чиқарувчи орган белгилайди. Бунда безорилик ҳаракатлари чогида муайян шахс йул қуйган жамиятдаги ахлоқ қоидаларини менсимаслик даражаси асос қилиб олинади.





Агар шахс жамиятдаги ахлоқ қоидаларини қасддан менсимаган бўлса ва бу ўз ифодасини, биринчидан, жамоат жойларда уят сузлар билан сукинишда; иккинчидан, фуқароларга ҳақо-ратомуз муомала ва шилқимлик қилишда; учин-чвдан, жамоат тартиби ва фуқаролар осойишта-лигини бузадиган бошқа ҳаракатларда топса, у ҳолда содир этилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазоланадиган майда безорилик даражасига мос келади. Агар менсимаслик даражаси ошиб борса — бу эса ҳаракатнинг узига хос характерида ёки ЖК 277-моддасида аниқ ифодаланган муайян жиноий оқибатларга олиб келишда намоён булса, содир этилган қилмиш жиноий жавобгарликка сабаб буладиган безориликни ташкил этади.

Шарҳланаётган модда безорилик қилмишларининг уч таркибини ўз ичига олади: жамият учун катта хавф туғдирмайдиган жиноятни ўз ичига олган асосий таркиб (1-қисм); унча оғир бўлмаган жиноятдан иборат квалификациялан-ган таркиб (2-қисм); оғир жиноят булган алоҳи-да квалификацияланган таркиб.

Ушбу жиноятнинг биринчи қисмидаги безориликнинг асосий таркиби уч мустақил турдаги безориликка булинади:

- 1) калтаклаш билан буладиган безорилик;
- 2) енгил тан жароҳати етказиш билан кечадиган безорилик;
- 3) бировнинг мулкини йуқ қилиш ёки шикаст-лаш билан кечадиган катта зарар етказган безорилик.

Калтаклаш билан буладиган безорилик жамиятдаги ахлоқ қоидаларини менсимаслик билан ажралиб туради. Ушбу менсимаслик бир ёки бир неча кишиларга бир вақтда ёки бирин кетин қисқа муддатли оғриқ берадиган ва калтакланганлик характерига эга булган куплаб зарбалар беришда намоён булади.

Агар калтаклаш натижасида жабрланувчига тан жароҳатлари етказилса, бу жароҳатлар уларнинг белгиларига қараб оғирлик даражаси буйича баҳоланади. Агар калтаклаш оқибатида жабрланувчи ёки жабрланувчилар танасида ҳеч қандай объектив излар қолмаган бўлса, у ҳолда суд-медицина эксперти ўз хулосасида жабрланувчининг арзларини қайд этиб, жароҳатларнинг объектив белгилари топилмагани ва шу боисдан тан жароҳа-тининг оғирлик даражасини аниқлаб бўлмаганлигини курсатиши шарт. Мазкур ҳолларда калтаклаш фактини аниқлаш ҳуқуқни қулловчи ор-ганларга тегишли булади.





Тан жароҳатига олиб келмаган бир неча зарба жиноий жавобгарликка тортиладиган безорилик деб баҳоланиши мумкин эмас. Безориликнинг бу тури формал таркибдан иборат бўлиб, жамият ахлоқий қоидаларини менсимасликда намоён булувчи хулқ жараёнида калтаклаш пайтвдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Енгил тан жароҳати етказиш билан кечадиган безорилик лоақал бир кишининг енгил тан жароҳати олишига сабаб бўлган ижтимоий ахлоқ қоидаларни менсимаслик ҳаракатларида ифодаланади.

Безориликнинг ушбу тури моддий таркибдан иборат бўлиб, бирон кимсага енгил тан жароҳати етказилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Бировнинг мулкини йўқ қилиш ёки унга шикаст етказиш билан кечадиган безорилик жабрланувчига анча миқдорда зарар келтирган тақдирдагина жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади. ЖК Махсус қисмининг саккизинчи қисмига мувофиқ, бизавий ҳисоблаш миқдоринингун бараваридан ўттиз бараваригача бўлган миқдоридаги зарар анча миқдорда деб ҳисобланади. Безориликнинг ушбу тури моддий таркибдан иборат бўлиб, анча миқдордаги зарар етказилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.


Безорилик натижасида айбдорга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра анча миқдордаги зарар келтирилмаган, лекин унинг хатги-ҳаракати худди шундай зарар етказишни истаганлигидан гувоҳлик берган ҳоллардан қилмиш безориликка суиқасд деб баҳоланиши ва унга ЖК 25-моддасининг 2-қисми қўлланилиши керак.

Бировнинг мулкини унча катта зарар етказмаган ҳолда йўқ қилишга ёки шикастлашга олиб келган безорилик майда безорилик деб баҳоланиши ва унга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 183-моддаси қўлланилиши керак.

Шундай қилиб, гуруҳ таркибида безорилик кўп объектли жиноят бўлиб, бу жиноятни содир этилишида ўзига хос жиҳати жамоат тартибининг бузилиши ҳисобланади. Айнан жамоат тартибини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар асосий-бевосита объект, шахсларнинг соғлиғи, жисмоний дахлсизлиги, мулкӣ ҳуқуқлари, жамоат хавфсизлиги, бошқарув тартиби бу жиноятнинг қўшимча-бевосита объекти ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Бекмуродов Н. Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари //Евразийский





- журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 165-169.
2. Бекмуродов Н. Н. Тезкор-қидирув фаолиятини натижаларидан жиноят ишлари бўйича исбот сифатида фойдаланишдаги айрим муаммолар //журнал правовых исследований. – 2022. – №. SI-2.
3. Бекмуродов Н. Н., Нарзиллоев Ф. Н. Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг назарий ва ҳуқуқий масалалари //журнал правовых исследований. – 2023. – №. SI-1.
4. Бекмуродов Н., Калауов С. Автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва олиб қочиш жиноятларининг жинойий-ҳуқуқий тавсифи //Общество и инновации. – 2022. – Т. 3. – №. 4. – С. 123-131.
5. Masharipov T. Коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш бўйича ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. C7. – С. 295-302.
6. Тастанбекова Г. Ҳуқуқни шарҳлашнинг моҳияти ва юридик табиати //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2023. – Т. 2. – №. 1. – С. 9-11.
7. Рустамов С., Қушбоқов Ш. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясининг жазони ижро этиш департаменти фаолиятидаги ўрни //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 28-31.
8. Тастанбекова Г., Инагамова М. Янги Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқлари ҳимоясида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг айрим жиҳатлари //Общество и инновации. – 2023. – Т. 4. – №. 2. – С. 136-141.
9. Қушбоқов Ш., Таджиев Э. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган айрим тоифадаги маҳкумлар устидан маъмурий назорат ўрнатиш тартиби //Инновационные исследования в современном мире: теория и практика. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 35-44.
10. Тастанбекова Г. Ҳуқуқни шарҳлаш асосларида баъзи категорияларнинг моҳияти ва мазмуни //Ta'lim fidoyilari. – 2022. – Т. 22. – №. 7. – С. 407-411.
11. Мирхалилова Г. Давлат-хусусий шериклик институтини шакиллантиришнинг ҳуқуқий асослари хорижий давлатлар мисолида //Results of National Scientific Research. – 2022.
12. Охунов З., Қушбоқов Ш. Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар





- //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.
13. Мирхалилова Г. И. Давлат хусусий-шериклик тўғрисидаги битимни тузиш, унинг асосий шартлари ва турларининг таҳлили //Results of National Scientific Research International Journal. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 308-324.
14. Мирхалилова Г. И. Давлат-хусусий шериклик шартномаси тарафларининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги масалалари ва уларнинг ечимлари //Results of National Scientific Research International Journal. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 283-299.
15. Қушбоқов Ш., Турниёзов Ж. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми ҳуқуқий тартибга солиш истиқболи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 2. – С. 49-55.
16. Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни //Международная конференция академических наук. – 2022. – Т. 1. – №. 27. – С. 16-20.

